2008 ЙИЛ, 25 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 121 (11.182) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қиска сатрларда

●**СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлигида туман фаоллари, ёшлари иштирокида «Ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш—давлат сиёсати» мавзуида ўтказилган тадбир Тошкент шаҳри ва Собир Раҳимов тумани ҳокимликлари ҳамкорликларида уюштирилди.

●**ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ИИББ ташаббуси билан «Маънавият—етакчи куч» мавзуида ўтказилган тадбирда ички ишлар ходимлари иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** олий умумкўшин қўмондонлиги билим юртида ўтказилган тадбирда мазкур билим юртини тугатган ёш офицерларга дипломлар топширилди.

●**РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлигида ҳуқуқшунослар ва ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда тарбиянинг роли» деб номланди.

●**КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош», Ҳамза номли маданият уйлари бадиий-ҳаваскорлик жамоалари Тошкент вилоятидаги «Алоқачи» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳига биринчи мавсум ёпилиши муносабати билан ташриф буюришди ва «Хайр, оромгоҳ» мавзуида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастурида иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбирда ёшлар ўртасида қонунбузарлик, жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш, гиёвандликка қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

●**ЎТГАН** куни шаҳримиз жамоатчилиги, спортчилар, ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир Халқаро Олимпиада кунига бағишланди.

●**ҒАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташаббуси билан Халқаро гиёвандликка қарши кураш кунига бағишлаб «Ёшлар—гиёвандликка қарши» шиори доирасида уюштирилган ёшлар форуми якунида ёшлар гиёвандликни қораловчи деворий газеталар кўргазмаси намойиш этилди.

●**ЁШЛАР** йилига бағишлаб шаҳримиздаги «Арт реннисан» галереясида рассомлик студияси ташкил этилди. Тез кунларда ушбу галерея қошида ёшлар учун кулолчилик мактаби ҳам фаолият бошлайди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!



ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009, МАЙ ТОШКЕНТ

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА КУНЛАРИДА КИШИ СОЯ-САЛҚИН, БАҲАВО ЖОЙЛАРГА БОРИШНИ, ДАРЁ ЁКИ СОЙ ҚИРҒОҚЛАРИГА УРИЛИБ ҲАЙҚИРАЁТГАН СУВ ТЎЛҚИНЛАРИНИ КУЗАТИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШНИ, ЗАВҚЛАНИШНИ ХУШ КЎРАДИ.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН БОШ КЕНТИМИЗНИНГ ТАРОВАТИ, МУҲТАШАМ ИНШООТЛАРИ, ГЎЗАЛ ТАБИАТИ ВА СЎЛИМ БОҒЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ КИШИНИ МАФТУН ЭТАДИ. УНИНГ КЎЧАЛАРИДА КЎПЛАБ САЙЁҲЛАРНИ УЧРАТИШ МУМКИН. ЎЗА МУХБИРЛАРИ УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИ.

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ»

Ванг ТИЕДЗЮН (Хитой):

— Мамлакатингизга ҳар сафар келганимда кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Юртингиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигига ҳавас қилса арзийди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбари томонидан халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг самараларидан, деб биламан.

Келгуси йили Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланишини эшитдим. Ушбу шаҳар неча асрлардан буён ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Қадимда барча карвонлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги робита, Буюк ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлган Шош орқали ўтишни афзал билган. Табиати гўзал юртнинг фуқаролари ҳам гўзал ва танти бўлади. Ўзбек халқининг ана шундай инсоний фазилатларидан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди. Улкан интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган юксак имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётганидан хабардорман. Бу мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ эканидан далолат беради.

Катарзина КОНАРСКА (Польша):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китоблар ўқиган, мамлакатингиз ҳақида анчагина маълумотларга эга эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деганларидек, тасаввуримдаги билан ҳақиқий Тошкент орасида улкан фарқ бор экан. Пойтахтингиз жуда гўзал. Шундай гўзал, тинч ва обод диёрда яшаётган халқингизга чин дилдан ҳавасим келди.

Одамларнинг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени ҳайратга солди. Меҳнатсевар ўзбек халқи яратувчанлиги ва бунёдкорлиги билан кўпчиликни лол қолдириб келаётир. Мамлакатингиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига қатъий ишонаман. Юртингиз тинч, осмонингиз доимо мусаффо бўлишини тилайман.

Ражив КХАННА (Ҳиндистон):

— Тақдир тақозоси билан менинг болалигим ва ўсмирлигим Тошкентда ўтган. Орадан йигирма йил ўтиб, Ўзбекистонга сайёҳ сифатида яна келдим. Мен учун қадрдон ва ардоқли бўлган ушбу муаззам шаҳарни ниҳоятда соғинган эдим. Она юртимдек азиз бўлган озод Ўзбекистоннинг иссиқ тафти кўп йиллик хотираларимни ёдга солди. Мамлакатингизнинг истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани — чиройига чирой қўшилиб, мафтункор бир диёрга айланганини кўриб, кўзларим қувончдан ёшланди. Бу гўзал заминда амалга оширилган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг улкан натижалари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги бетимсол ўзгаришлар – ранг-баранг гулзорлар ва сержило фавворалари ҳайрат билан кўздан кечирар эканман, Ўзбекистоннинг тубдан ўзгарганидан астойдил қувондим.

Ростини айтсам, Тошкент нонини жуда соғинган эдим. Тошкентни нон шаҳри деб аташлари бежиз эмас.

Азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига катта тараддуд кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Иқтисодиёти йил сайин тараққий этиб, халқининг фаровонлиги муттасил ошиб бораётган мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ бўлсин, халқингизнинг ҳар куни тўйу байрамга айлансин.

Танер ГУВЕН (Туркия):

— Тошкентга биринчи келишим. Дунё илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган, Шарқ дарвозаси деб донг таратган Тошкент тасаввуримдагидан анча зиёда, гўзал экан. Бу ердаги диққатга сазовор жойлар, айниқса, тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, бахри-дилим очилди. Айниқса, Ҳазрати Имом мажмуида кўрганларим бир умр ёдимда қолади.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар — меҳнаткашлик, аҳиллик, меҳр-оқибатлилик ҳамда ажойиб урф-одатлар, миллий анъаналардан дунё аҳли ўрнак олса арзийди. Ушбу муқаддас заминдаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётга чин дилдан ҳавасим келди.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

ТОШКЕНТ ФАВВОРАЛАРИ





Албатта зилол сувнинг ўйнаб учаётган эпкинлари киши кўнглига ҳузур бағишлайди. Унинг тафаккурини теранлаштиради, қалбига сокинлик ва хушкайфият бахш этади. Тўғрисини айтганда, ҳамманинг ҳам табиат қўйнига, тоғ ён бағирларига чиқиб ҳордиқ чиқаришга имкони бўлмайди. Шундай кунларда уларнинг жонларига шаҳарнинг кўркига-кўрк қўшиб турган фавворалар оро киради. Бир-биридан гўзал ва бетакрор фавворалар минглаб кишиларга олам-олам завқ бахш этади.

Менинг болалигим ҳам ўн беш, йигирма йил аввалги даврга тўғри келди. Ўшанда биз ҳам ойламиз билан байрамларда сайр қилгани пойтахтнинг ҳозирги Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғига ошиқардик. Тўғриси, у пайтда азим Тошкентда бугунгидек улкан, ҳашаматли, турли аттракционларга бой боғлар кам эди. Фавворалар ҳам саноқлигина бўларди.

Бугун эса истироҳат боғлари, қўйша нур таратиб турган фавворалар сони шу қадар кўп, бир-биридан чиройлики қайси бирига боришни ҳам, қай бирини томоша қилишни ҳам билмайсан киши. Юртимизга илк маротаба келган арабистонлик ёзувчи билан сухбатлашганимда у Тошкентни яшилликка бурганганидан улкан боғга қиёслаб, фавворалар ҳақида кўплигидан ҳайратга тушганини бот-бот гапирганди. Дарҳақиқат сўнгги йилларда мамлакатимизнинг турли гўшаларида, айниқса пойтахт Тошкентда аҳолининг дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун соя-салқин ҳудудлар, катта-ю кичик боғлар, истироҳат майдонлари ташкил этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча шаҳарларида турфа хил жилоланадиган фавворалар бунёд этилдики, уларни кузатиб қалбимизда бир олам эзгу туйғулар пайдо бўлади. Фавворалар одамларга илҳом бериши баробарида ёз чилласида чор-атроф салқинлигини таъминлайди. Буни биргина пойтахт Тошкент мисолида кузатсак истиқлол йилларида пойтахтда кўплаб замон талаблари даражасидаги ҳашамдор фавворалар қад ростлади. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб, биллур томчиларни ҳар ёнга сочиб, катта-ю кичикнинг қалбига ҳузур бағишлаётган мўъжизакор фавворалар инсон руҳиятини осойишталикка чорлайди. Фавворалар илгари фақатгина ичимлик суви тарзида фойдаланиш учун хизмат қилган бўлса, бугунги кунда ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган санъат асари сифатида баҳоланади. Чунки фавворалар нафақат боғлар ва хиёбонларга файз улашади, балки ҳудуддаги тинч осуда ҳаётнинг ўзига хос рамзи ҳам ҳисобланади.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Марказий Осиёдаги ҳеч бир давлатнинг истироҳат боғлари, фавворалари Тошкент фавворалари билан беллаша олмайди. Пойтахтда бугунги кунда юздан ортиқ фавворалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири мафтункорлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса бош майдондаги бетакрор меъморчилик намунаси ҳисобланган фавворалар доимо юртдошларимиз билан гавжум. Истиқлолнинг ўн олти йиллик байрами арафасида «Мустақиллик» майдонида қад ростлаган фаввора нафақат пойтахтлик, балки вилоятлардан келган меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти.

-- Ёз кунларида шаҳар аҳолисига салқинлик улашадиган истироҳат боғлари ва фавворалари нинг сони анчагина ортибди, – дейди наманганлик Ҳуриниса она. – Тошкент боғлари, фавворалари бизнинг руҳиятимизга кўтаринкилик бахш этмоқда. Бу каби истироҳат боғларига уланиб кетган фавворалар ва дилимиз равшан тортди.

Соя-салқин гўшаларда, сувни жилолантириб осмонга пуркаётган фавворалар атрофида дам олиш инсон саломатлиги учун нечоғлик фойдали эканлиги илмий томондан ҳам асосланган. Рухшунослар нинг айтишича, фавворалар ва истироҳат боғларидаги соя-салқин ҳудудларда дам олиш асаб тизимини мустаҳкамлайди, чарчоқни ёзади, табиатни мусаффо қилади, ҳавони янгилайди, озон моддасини бойитади. Шифокорлар сўзига кўра, табиий салқин соя масканлар, шаршара ва фавворалардан отилиб турадиган сув ҳамда унинг товуши ҳавога мусбат ва манфий зарраларини таратади. Бу эса кишиларни юрак, қон томир ва нафас йўллари фаолиятини яхшилайди, бош оғриғини қолдиради.

Мутахассисларнинг қайд этишича, фавворалар бунёд этиш энг юқори технологиялардан фойдаланиш ҳамда катта сарф-харажатни талаб этади. Ҳар бири ўзига хос меъморий қурилма ҳисобланган фавворалар лаборатория шароитида синалади. Шундан сўнг амалиётга жорий қилинади. Фавворалар барпо этиш мураккаб технологик жараён бўлиб, уни қуриш ва фойдаланишга топширишда юзлаб мутахассислар жалб этилади. Фаввора ён атрофга салқинлик таратиб ҳавони ҳаволи даражагача пасайтириши мумкин. Шу боис уни бунёд қилиш ишларида ҳар бир жиҳат назардан четда қолдирилмайди. Ҳозирда ҳам пойтахт ва вилоят марказларида янги шакл ва ўзгача тароват бахш этадиган фавворалар қуриш устида иш олиб борилмоқда.

Пойтахтнинг ҳар бир гўшасида дам олувчилар учун фаввора ёхуд истироҳат боғлари мавжуд десак янглишмаймиз. Жазирама кунларда уларнинг қадр-қиммати беқиёс эканлигини ҳар биримиз дилдан ҳис қиламиз. Зеро, осмонга сув пуркаб турган фавворалар бой боғлар борки кўнгиллар хотиржам, юрт осойишта.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Гулистон Давлат университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

●Хива шаҳрида «Қадимий Хоразм маданияти» фестивали ўтказилди. Тадбир иштирокчилари уч кун мобайнида шаҳарнинг «Ичонқалъа» музей-қўриқхонасида ташкил этилган ҳунармандлар, чеварлар, рассомлар кўргазмалари ва экосайёҳлик бурчагини томоша қилдилар. Халқимизнинг қадимий урф-одатлари акс этган «Лачак тўйи», «Бешик тўйи», «Келин салом» ва ҳунармандчиликнинг нодир намуналари, миллий кийимлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

●Парижда «Эдуниверсал» халқаро консалтинг ташкилоти томонидан минтақа таълим тизимидаги муассасаларнинг нуфузи ва уларнинг таъсир даражасини аниқлаш бўйича рейтинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра Тошкент Молия институти иккинчи даражали «Пальмали япроқ» дипломи билан тақдирланди. Яъни у жаҳондаги мингта энг яхши бизнес мактаблари рўйхатига киритилди.

●Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилаётган кенг имкониятлар мулк соҳибларини янгиликлар сари ундамоқда. Андижон вилояти Улуғнор туманидаги "Старспнинг" фермер хўжалиги ана шундай имтиёзлардан фойдаланиб, ёғочни қайта ишлаш цехини ишга туширди. Корхонада йигирма нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

●Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган «Зафар автобус-такси саройи" йўловчи ташиш хизматини яхшилаш мақсадида Самарқанд автомобиль заводидан лизинг асосида 6 та "Исузу" автобуси сотиб олди. Айни кунда мазкур автобуслар "Бекобод-Зафар" йўналиши бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

●Бухоро шаҳрида 11-12 ёшли болалар ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари якунланди. Мусобақада Андижон, Бухоро, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона вилоятлари жамоалари майдонга тушди. Турнирда мезбонлар бош совринни қўлга киритди. Андижон ва Навоий вилоятлари ёш футболчилари кучли учликдан жой олди.

●Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» стадионида маҳалла болалари ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

●Кеча Кремлда Россия Федерацияси ва Арманистон Президентлари Д. Медведев ва С. Саркисянларнинг учрашувида Кавказ минтақасидаги хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди, яқин келажакда ҳар икки мамлакат ўртасида товар айланмасининг бир миллиард доллардан оширилиши таъкидланди.

●Колумбия Эквадор билан аста-секин тикланиб бораётган дипломатик алоқаларни тўхтатди.

●Аҳолининг кескин норозиликларига қарамай Жанубий Корея ҳукумати АҚШдан мол гўштини экспорт қилишни давом эттиришга қарор қилди.

●Нигерияда нефть етказиб беришда узилишларнинг юзага келаётганлиги ҳамда Исроил ва Эрон ўртасидаги зиддиятларнинг тобора кескинлашиб бораётганлиги сабабли жаҳон бозорида нефтнинг нархи яна оша бошлади.

●Учта штатнинг ўт ўчирувчилари Калифорниянинг шимолий қисмида авж олаётган ўрмон ёнғинларини бартараф этишга ёрдамга келди.

●Американинг собиқ президенти Билл Клинтон бу йилги Президентлик сайлови кампаниясида Демократик партия вакили Барак Обамани қўллаб-қувватлашини билдирди.

●Кеча Польшанинг Краков шаҳрига йирик ҳажмдаги дўл ёғиши туфайли катта ноқулайликлар келиб чиқди. Хусусан, юзлаб автомобилларга зарар етди, электр узатиш тармоқлари узилди, дўлнинг эриши оқибатида эса кўчаларда сув тошиши кузатилди.

●Дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестга туристлар чиқиши қисқартириладиган бўлди. «China daliy» нашри хабарига кўра, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида Хитой ҳукумати шундай қарор қабул қилиш арафасида турибди. Айни дамда Эверест чўққиси сайёҳлар томонидан ташлаб кетилаётган чиқиндилар билан тўлган.

●Хитой ҳукумати тез орада бошланадиган ёзги Олимпиада ўйинлари пайтида Пекиннинг экологик ҳолатини янада яхшилаш мақсадида шаҳар транспорт хизматини маълум миқдорда қисқартиришга қарор қилди. Бу ўз ўрнида шаҳар йўлларида тез-тез юз берадиган автомобиль тиқилинчликларининг ҳам қисман бартараф этилишини таъминлайди.

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

Ширкат—ибрат

УЙЛАР КЎРКИДА НАМОЁН

КЎП ҚАВАТЛИ УЙНИНГ ЎЗИГА ЯРАША МУАММОЛАРИ БЎЛАДИКИ, УНИ БИРГИНА ХОНАДОН ЭГАСИ ҲАЛ ЭТА ОЛМАЙДИ. БУНИНГ УЧУН ШУ БИНОДА ЯШОВЧИ АҲОЛИНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ЗАРУР БЎЛАДИ. ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ЭСА МУАММОЛАР ЕЧИМИ, АЛБАТТА, ТОПИЛАДИ.

Ҳамза туманида бир неча йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Меҳри турон» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида ана шундай ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорлик борки, бу борада тадбиркор ва ислахотчан раҳбар, аҳолининг ўзи бир овоздан сайлаган ҳамда ишонч билдирган ширкат бошқаруви раиси Абдулазиз Турон хўжаевнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги қўл келди.

Айни пайтда ушбу ширкат тасарруфида 5 та 4 қаватли уй мавжуд бўлиб, 350 та хонадон аҳли яшайди. Ушбу уйларда асосий эътибор умумий мулкни сақлаш, ободончиликка эътибор қаратиш, тўловларни вақтида амалга ошириш, сифатли хизматни ташкил этишга қаратилган.

Шуниси эътиборлики, барча ишлар ширкат мулкдорлари билан бамаслаҳат режаланади ва амалга оширилади. Шунинг учун бўлса керак, шикоят ва аризалар йўқ. Абдулазиз ака ҳар куни эрталаб ва кечқурун уйларни айланади, хонадон аъзолари билан мулоқотда бўлади, камчиликларни ўрганиб дарҳол ходимларига уларни тугатиш учун кўрсатмалар беради. Ўтган иситиш мавсумини муваффақиятли ўтказган ширкат ходимлари, баҳор келиши билан келгуси мавсум тайёргарлигини бошлаб юборишди. Айниқса, баҳорда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган эътибор боис, бугун уйлар ён-атрофидаги ҳудудлар кўркамлигига, ҳовлилардаги дарахтларга шакл бериб оқланганлигига, экилган янги ниҳол ва гуллар барқ урганига гувоҳ бўламиз.

—Уйларимиз ён-атрофлари, дарахтлар кўплиги боис ҳам соя-салқин, — дейди Абдулазиз Турон хўжаев. —Айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида хонадонларда яшовчилар ана шу қулайликлардан баҳраманд бўлишади. Мана шу қулайликни асраш учун доимо ҳашарлар уюштирамиз. Асосийси эса ҳашарларда аҳоли фаол иштирок этади. Биз, «Менинг уйим—менинг мулким» деган шиорига амал қиламиз. Ҳудудимизда мавжуд 700 га яқин дов-дарахтлар парваришига ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаймиз.

Албатта, ширкатда меҳнат қилаётган 6 та ходимнинг саъй-ҳаракати билан белгиланган ишларни бажариш мушкул. Шунинг учун ҳам улар яшовчилар билан ҳамкорликка интилишади. Ширкат мулкдорлари ҳам тўланган маблағлари эртага ўзларига сифатли хизмат бўлиб қайтишини яхши англаб қолишган. Шубҳасиз, бу борада ширкат бошқаруви раиси Абдулазиз Турон хўжаев ва унинг атрофидаги малакали ходимларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ширкат тасарруфидаги уйларнинг барчаси капитал таъмирдан чиқарилган, 30 та кириш йўлаклари таъмирланиб, темир эшиклар ўрнатилган, ўриндиқлар ҳам қўйилган. Чиройли безатилган болалар майдончаси кечки пайт кичкинтойларнинг шодон қийқириқларига тўлиб кетади. Яна бир болалар майдончасини бунёд этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда 16 ва 23-уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш, йўлакларни асфальтлаш ҳам назарда тутилмоқда. Нимаики амалга оширилмасин, уларнинг ҳаммасида ширкат мулкдорлари — яшовчиларга қулайлик, сифатли хизмат мужассам бўлади.

Айни кунларда ертўлалардаги қувурларни жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Аниқланган носозликлар пухталик билан тугатилмоқда. Шунингдек, ҳадемай 2 та кўп қаватли уйнинг томида капитал таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилади. Бир сўз билан айтганда, Абдулазиз ака қиш ғамини ёзда ейдиганлар, тиниб-тинчимайдиганлар сирасидандир. У то кўнгли хотиржам тортмагунча, ишлар пухта бажарилмагунча ишлайверади. Шунинг учун аҳоли унинг ҳурматини жойига қўяди. У ўз саъй-ҳаракатлари бежиз эмаслигига ишонади. Ахир ҳаракатлари, меҳнатлари маҳсули уйлар кўркида, яшовчилар кайфиятида яққол кўриниб турибди-да.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Меҳри турон»да кузги-қишки тадбирлар режаси бамаслаҳат ва қизғин давом этмоқда

Фармон ва ижро

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭРИШИШ УЧУН КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН МЕЪЁРЛАРГА КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШИМИЗ ЗАРУР. ҲАР БИР ФУҚАРО ЎЗ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ОИД МЕЪЁРЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИШИ ВА УЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛА ОЛИШИ БИЛАН БИРГА, ФУҚАРОЛИК БУРЧЛАРИНИ ҲАМ БАЖАРИШИ ЛОЗИМ.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини такомиллаштиришга оид фармонида бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга бағишлаб ўтказилган семинар ушбу фармон ижросига бағишланди.

Адлия вазири ўринбосари, мазкур департамент директори З.Худойқулов бошқарган тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, мазкур департамент томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишлари изчил йўлга қўйилган. Ўтган йили оммавий ахборот воситалари орқали етти юздан ортиқ чиқиш қилинган бўлса, жорий йилда ушбу ишлар қўлами янада кенгайди.

Семинарда амалга оширилаётган самарали ишлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ТОКИОДА ОРОЛ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

ТОКИОНИНГ «JICA GLOBAL PLAZA-HIROO» ХАЛҚАРО МАЖМУАСИДА «ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИКЛАР ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Япония атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Сув форуми, Глобал инфратузилма институтининг тадқиқот жамғармаси ҳамда мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилган анжуманда Японияннинг турли вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий, академик ва эксперт доиралари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек, Орол денгизининг қуриши глобал аҳамиятга эга бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар тизимини келтириб чиқарди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳукумати томонидан минтақадаги экологик вазиятни ўнглаш, кичик сув ҳавзалари ва сув таъминоти тизимларини бунёд этиш, Оролбўйи минтақаси аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва ижтимоий фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар, шунингдек, жорий йилнинг март ойида Тошкентда Орол муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция якунлари билан танишди.

Анжуман чоғида Оролни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш борасидаги зарур чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Конференцияда сўзга чиққан **Токио университети профессори Микиясу Накаяма**нинг таъкидлашича, Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда трансчегаравий дарёлар оқимларини тартибга солиш масалаларида ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш Орол инқирозини ҳал қилишнинг амалий механизмларидан бири бўлиши мумкин.

«Минтақа давлатлари сув-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг асосий тамойиллари борасида келишиб олиши зарур. Алоҳида давлатларнинг бир томонлама ҳаракати қўшни мамлакатларда истиқомат қилувчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир шароитда сувдан фойдаланишнинг ўзаро келишилган тамойиллари ўзаро тушуниш ва ҳурматнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади», - дейди япониялик олим.

М.Накаяманинг сўзларига кўра, БМТнинг тегишли конвенциялари ўзаро манфаатли келишувларга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Марказий Осиёдаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонликдан манфаатдор бўлган жаҳоннинг қатор етакчи давлатлари минтақа мамлакатлари ўртасидаги фаол мулоқот жараёнида воситачи сифатида иштирок этишга тайёр.

Шу ўринда М.Накаяма Японияннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган кўп томонлама шартномаларни тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ қилиш борасидаги тажрибасига эътибор қаратди. «Бунга атмосферага зарарли газларни чиқаришни камайтиришни кўзда тутувчи Киото протоколи яққол мисол бўла олади», - деди олим.

Япония сув форуми эксперти Кунио Кавамотонинг таъкидлашича, Орол ҳавзасидаги экологик фалокат узоқ давр мобайнида фақатгина минтақанинг муаммоси сифатида нотўғри талқин қилиб келинган.

Осиё қитъаси миқёсида Марказий Осиё мамлакатларининг сув-энергетика ҳамкорлиги ҳамда Орол денгизини қайта тиклаш масалалари илк бора ўтган йили Японияда бўлиб ўтган «Биринчи Осиё-Тинч океани минтақаси саммити» доирасида муҳокама қилинган эди.

- Ўйлашимча, ушбу муаммо сайёрамизнинг жадал тараққий этиб бораётган Осиё-Тинч океани минтақаси миқёсида муҳокама қилиниши экологик фалокатнинг оқибатларини енгиб ўтиш ишига қўшимча маблағ ва имкониятларни жалб этишга хизмат қилади, - дейди К.Кавамото. – Шу ўринда Япония сув форуми «Амударёнинг Қорақалпоғистондаги қуйи оқимида тўқай ўрмонларини асраш ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимларини мустаҳкамлаш» халқаро лойиҳасида иштирок этишга тайёрлигини таъкидлашни истардим.

Киото университети профессори Юкихиро Моримотонинг фикрича, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда Оролнинг экотизими яхлитлигини сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Орол денгизининг қуриши туфайли турон йўлбарси, саҳоқуш, бакрабалиқ, скафириндус каби ҳайвонот дунёсининг нодир намуналари бутунлай йўқолиб кетди ёки йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди», - деди олим.

Шу ўринда Ю.Моримото Ўзбекистон ҳукуматининг Оролбўйидаги нодир ҳайвонот дунёсини асраш, минтақа экотизимининг барқарор ривожланишини таъминлашга имкон берадиган Орол денгизи ҳавзасини комплекс қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Тадбир доирасида Оролбўйи минтақасидаги бугунги экологик вазиятни яққол намойиш этиб берувчи фотокўргазма ташкил этилди.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

Тараддуд

ТАБИИЙ ГАЗНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНОТИ ЙЎЛИДА

БЕБАҲО ВА ЗАРУР НЕЪМАТЛАРИМИЗДАН САНАЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, ХОНАДОН ФАЙЗИНИ ОШИРИШДА, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ, МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛИШДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ БОИС ҲАМ УНДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ, ИСРОФГАРЧИЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР БИЛАН УЛАНИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИШ, ҚИСҚАСИ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»НИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ ЛОЗИМ.

Нафақат қишки мавсумда, балки йилнинг барча фаслида, кечаю-кундуз газ хизматидан фойдаланилади. Аммо кузги-қишки иситиш мавсумининг муваффақиятини таъмирлашда газнинг самараси ўзгача. Шу боис бўлса керак, иситиш мавсуми тугаши биланоқ, яъни эрта баҳорда келгуси қиш-куз даври тараддуди бошлаб юборилди.

Республикамиз Президентининг 2008 йил 29 майдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 26 мартдаги «Тошкент шаҳар газ хўжалигини 2008-2009 йил кузги-қишки мавсумга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб олган «Тошкентшаҳаргаз» филиалида юқоридаги ҳужжатлар асосида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

—Ушбу чора-тадбирлар режаси 2008 йил 1 апрелдаги буйруқ билан тасдикланиб, уларни амалга ошириш учун жамоамизда назорат штаби ташкил қилинган, —дейди филиалнинг техник ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи Шухрат Тожиев. — Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, албатта чора-тадбирлар режасини белгилашда ўтган мавсум сабоқларидан тегишли хулоса чиқарилади. Шунинг учун ҳам ўтган куз-қиш мавсуми давомида истеъмолчилар томонидан тушган аризалар, газ босими пастлиги тўғрисидаги буюртмалар кўриб чиқилиб, 2008-2009 йиллар иситиш мавсумида пойтахтимиздаги газ босими меъёр даражасида бўлмаган худудларда таъминотни яхшилаш масаласига эътибор қаратилмоқда.

Ана шу кўзда тутилган чора-тадбирлар режасига 44,0 километр газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, 88 та юқори босимли ва 1693 та ўрта босимли газ тартиблаш мослама (ГТМ) ларни тафтишдан ўтказиш, 1160 километр ер ости газ қувурларини асбоблар ёрдамида текшириш, 990 километр ер ости газ қувурларини ҳаво босими остида тозалаш ва худди шунча ер ости газ қувурларини босим остида зичликка синаш, 86 километр ер усти газ қувурларни таъмирлаш ҳамда бўяш, 142303 дона дудбуронларни кўрикдан ўтказиш ва турар жой биноларидаги газ асбобларини техник тафтиш қилиш киритилган.

Юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши борасида соҳа ходимларининг бугунги кундаги саъй-ҳаракатларини таъкидлаган ҳолда шуни кўрсатиш лозимки, жорий йилнинг 9 июнь ҳолатига кўра 4,2 километр газ қувурларини мукаммал таъмирлашга эришилди. Шунингдек, 36 та юқори босимли, 705 та ўрта босимли ГТМлар техник тафтиш қилинди. Капитал таъмирланиши лозим бўлган 67 та юқори ва ўрта босимли ГТМларнинг 15 тасида ишлар якунланди. 15,3 километр ер ости газ қувурлари босим остида тозаланиб, 595 километр газ қувурлари махсус асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказилди ва 25,6 километр узунликдаги ер ости қувурлари бўялди. Ёзнинг иссиқ дамларидан унумли фойдаланган ҳолда эндиликда бу борадаги ишлар қизғин паллага киради.

—Истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни узлуксиз ва хавф-хатарсиз табиий газ билан таъминлар эканмиз, —дейди техника хавфсизлиги хизмати бошлиғи Иброҳим Сайдалиев,—ҳамиша юзимиз ёруғ бўлишини истаймиз. Албатта, хавфсизликни таъминлашда соҳа ходимларига истеъмолчиларнинг ҳам катта ёрдами керак бўлади. Айниқса, илиқ-иссиқ кунларда иситиш печлари ва иситиш қозонлари мўриларига эътибор камайиши туфайли дудбуронлар қизиб кетади. Бу эса нохуш воқеаларга, ёнғин содир бўлишига сабаб бўлади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили дудбуронларни кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилади. Ҳозирги кунгача кўзда тутилган дудбуронларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 79.530 таси текширувдан ўтказилди. Бу борада истеъмолчиларга қулайлик яратилиб, дудбурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб шахсий гувоҳномасини кўрсатган ҳолда носозликларни аниқлайди ва далолатнома тузишади. Тузилган далолатнома туман газ идораларига топширилади. Шубҳасиз, носозликларнинг ёмон оқибатларини ҳисобга олган ҳолда газ асбобидан фойдаланиш тақиқланади. Бундай ҳолларда истеъмолчилар носозликларни бартараф этиш бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарга мурожаат этишлари лозим. Носозликлар қанча тез тугатилса, ёмон оқибатларнинг олди ҳам шунча соз олинади.

«Тошкентшаҳаргаз» филиалида ёз мавсумида қилиниши лозим бўлган юмушлар талайгина. Туман газлар бўйича баъзи маҳаллаларда гидравлик режимни яхшилаш мақсадида диаметрдан 57 миллиметрдан 159 миллиметргача бўлган 7,7 километрдан ортиқ газ қувурларини ҳалқалаш, қўшимча 17 та ўрта босимли ГТМларни ўрнатиш ҳам шулар жумласига киради.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг режа асосида бекаму кўст бажарилишига эришиш пойтахтимиз истеъмолчиларини, шаҳар аҳолисини олдимизда турган куз-қиш мавсумида бир меъёрда узлуксиз табиий газ билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу боис ҳам бугунги барча саъй-ҳаракатлар ана шунга қаратилган.

Шарифа ИЛЁСОВА

Сўранг, жавоб берамиз

ШАРТНОМА АСОСИДА БАЖАРАДИ

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида умумий мол-мулкни сақлаш, уни бошқариш ва умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ҳамда уни таъмирлаш қандай амалга оширилиши лозим.

Нодира Узокова,
Гулмира Файзуллаева,
Миробод туманида яшовчи хонадон эгалари

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг 32,33,34-моддалари асосида қуйидагича жавобни келтириш лозим. Яъни, умумий молк-мулкни сақлаш, умумий мол-мулкнинг лозим даражадаги техник ва санитария ҳолатини таъминлашга қаратилгандир. Умумий мол-мулкни сақлаш уни бошқаришни, техник ва санитария ҳолатини сақлаб туриш (хизмат кўрсатиш)ни, таъмирлашни ҳамда бу мол-мулкни асрашга ва ундан фойдаланиш бўйича зарур шароитлар яратишга қаратилган бошқа фаолиятни қамраб олади.

Умумий мол-мулкни бошқариш эса ширкатнинг бошқариш органлари, бошқарувчи (ижрочи директор) —жисмоний шахс, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркор, бошқарувчи ташкилот —ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Ижрочи директор ёки бошқарувчи ташкилот умумий мол-мулкни ширкат билан тузилган шартнома асосида берилган ваколатлар доирасида бошқаради.

Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашни ширкат жой мулкдорлари ва пудратчилар амалга оширишлари мумкин. Бунда пудратчилар умумий мол-мулкка хизмат кўрсатишни ва уни таъмирлашни ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

Тўловлар

ҚАРЗИНГИЗДАН ҚУТУЛИНГ

ИШДАН ҚАЙТАР ЭКАНМАН, КИРИШ ЙЎЛАГИМИЗ ОЛДИДА ЎЗАРО ГАПЛАШИБ ТУРГАН ҚЎШНИ ХОНАДОН ЭГАЛАРИНИНГ ЎЗАРО СУҲБАТИ ҚУЛОҒИМГА ЧАЛИНДИ.

— Қаранг, қилган ишини бу ширкат раисининг, — деди нариги йўлакда яшовчи хонадон эгаси қўлидаги машина калитини ўйнатиб. — Бир-икки ҳафта олдин эшигимизни тақиллатиб, "Қарзларинг бор экан, тўлаб қўйинглар, ахир пулни беҳудага чойхонага ҳам сарфлайсизларку", дейди-я. Ўзи ани жиним суймайди. "Ўзим биламан, қачон тўлашни", дедимда эшикни тарақлатиб ёпдим. Сенинг пулингга чойхонага чиқяпманми, эпласанг сен ҳам чиқ. Ёзиб қўйганини қаранг, атайлаб қилган – йўлак эшигига ишора қилди у, – тўлаб бўпман, бир югурсин...

Мен ҳам йўлак эшигига қарадим ва шундагина гап нимадалигини англадим. Унда компьютерда чиройли қилиб ёзилган рўйхат турарди. Бу қарздорлар рўйхати бўлиб, ўша бепарво гапираётган қўшнининг исм-шарифи рўпарасида фойдаланиш ҳаражатларидан 172 минг сўмдан зиёд қарз турибди. Аммо унинг тўловга қурби бемалол етади – тагида машина, обрўли жойда ишлайди. Лекин у бугунги кунда қўшнилар ҳисобидан яшаётганини, коммунал хизматлардан бепул фойдаланаётганини қандай изоҳласа бўлади. Афсуски, бундайлар, яъни билиб-билмасликка, тушунуб тушунмасликка олаётганлар ҳар бир уйда учрамоқда ва уларнинг мана шундай бепарволиклари хизматлар сифатига, носозликларни вақтида бартараф этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биргина электр таъминоти хусусида тўхталадиган бўлсак, агарда бир кун хонадонимизда электр қуввати бўлмаса, барча режаларимиз чиппакка чиқади, дили-жонимиз қоронғи бўлади. Электр ҳақини тўламаганлар буни билишармикан?! Билишади, албатта. Лекин улар токни ёқиб пули чақадиганлар тоифасидан-да. Бунга кўплаб истеъмолчиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, Яккасарой тумани Ю.Ражабий кўчаси, 62-уй, 10-хонадондан Тўйчиев 410.340 сўм, "Қушбеги" даҳаси, 2-"г" уй, 75-хонадондан Шамсиева 355.696 сўм, 4-уй, 26-хонадондан А.Одилов 300 минг сўм, 23-уй, 6-хонадондан Раҳимов 283.600 сўм, ушбу уйнинг 29-хонадонидан Эгамбердиев 283.400 сўм, Мироқилов кўчаси, 3-уйдан Домалов 350 минг сўм, А.Қаҳҳор кўчаси 2-"г" уй, 74- хонадондан Сосина 331.450 сўм, Абдуллаев кўчаси, 14-уй, 43-хонадондан Усмонов 280.100 сўм, Термизий кўчаси, 51-уй, 8-хонадондан Ашурова 290 минг сўм, 10-хонадондан Тумонова 263.500 сўм, 107-уйдан Бобоқулов 314.640 сўм, Шоший кўчаси, 2/2-уй, 1-хонадондан Мансуров 283.400 сўм, 2/8-уй 1-хонадондан Ниёзметова 230.760 сўм, Жийдазор, 1-йўлак, 3-уй, 39-хонадондан Назелиев 270 минг сўм электр ҳақини тўламай юришибди.

Шунингдек, бу сафар Ҳамза туманидаги иссиқлик ва иқиқ сув пулини тўламаган истеъмолчиларга тўхталиб ўтамиз. Фарғона йўли кўчаси, 2-уй, 50-хонадондан Саксельцев 1.382.130 сўм, Қурувчилар кўчаси, 110-уй, 12-хонадондан Р.Пўлатов 1.372.960 сўм, мазкур кўчадаги 26-уй, 31-хонадондан Пуздерикова 965.839 сўм қарздор бўлиб, "рекорд" натижага эришишган. Шу кўчадаги 40-уй, 55-хонадондан Хайбаева 855.370 сўм, 31-хонадондан Д.Қосимова 758.170 сўм, 39-уй, 54-хонадондан Х.Усмонов 770.576 сўм, 85-хонадондан Р.Устаматова 717.436 сўм, 26-уй, 6-хонадондан Б.Леонтьев 872.755 сўм, 25-уй, 12-хонадондан Нананхўжаева 866.720 сўм, 39-хонадондан З.Хасанов 739.890 сўм, Лисунов даҳаси, 4-уй, 56-хонадондан Х.Ҳайдарова 660.082 сўм, Риёзий кўчаси 16-уй, 28-хонадондан Ш.Кўқонбоев 657.060 сўм, Паҳловон Маҳмуд кўчаси 66-уй, 2-хонадондан И.Раҳимова 639.520 сўм, Фарғона йўли кўчаси, 7-"а" уй, 49-хонадондан З.Гаппоров 692.464 сўм, 45-хонадондан З.Рўзиева 558.460 сўм, Олтинтепа кўчаси, 17-уй, 15-хонадондан Л.Семимна 450.270 сўм, Абдуллаев кўчаси 1-уй, 94-хонадондан К.Худойбердиев 432.954 сўм тўловларни бажармаган ҳолда бамайлихотир юришибди.

Қишин-ёзин, кечаю кундуз хонадонларимизга беминнат кириб бораётган табиий газдан фойдаланиб, ҳақини тўлашга келганда эса пайсалга солаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Шайхонтохур тумани Жарариқ кўчаси, 1-уй, 69-хонадондан Алиев 637.630 сўм, 43-уйдан Камолов 625.172 сўм, 3-"а" уйдан Илҳомжонов 456.972 сўм, 28-уйдан Зоитов 452.560 сўм, 24-уйдан Якубов 418.874 сўм, 21-"б" уй, 16-хонадондан Раҳимбобоев 390.020 сўм, 22-уйдан Муҳамедов 354.870 сўм, 6-уйдан Тўйчиева 265.336 сўм, 77-уйдан Зоҳидова 232.360 сўм, мазкур кўчадаги 1-йўлак 64-уйдан Мўминов 346.867 сўм, 66-уйдан Шоумарова 339.389 сўм, 2-йўлак, 65-уйдан Иноятов 303.154 сўм, 45-уйдан Тоҳиров 296.290 сўм, 5-тор кўча, 13-уйдан Маҳмуджонов 232.600 сўм, Белтепа кўчаси, 3-уйдан Қосимов 313.235 сўм, 6-уйдан Иркабоева 308.365 сўм, М-27, 18-уй, 1-хонадондан Ғуломов 273.056 сўм, 26-уй, 4-хонадондан Қосимова 244.870 сўм фойдаланилган газ ҳақини тўлашмаган.

Юқоридаги барча қарздорлар бугунги ёзнинг ғанимат даҳиқаларидан фойдаланиб қиш мавсумига тайёргарлик кўраётган соҳа ходимлари меҳнатига, қимматли вақтига ва носозликларни ўз вақтида бартараф этиш юмушларига катта зарар етказишмоқда. Улар бирозгина уялиб, лоқайдликка чек қўйиб қарзларини тўлаб қўйишса фойдадан ҳали бўлмасди.

(Ўз мухбиримиз)

МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

ЮРТИМИЗДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИНИНГ АСОСЛАРИ БЎЛМИШ КИЧИК БИЗНЕС ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИГА КАТТА ЭТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА. ШУ БОИС ҲАМ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА, УЛАРНИНГ ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДАГИ ҲИССАЛАРИ ОРТМОҚДА. ХУСУСАН, ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ЙИЛДАН-ЙИЛГА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҲИСОБИГА КЎПАЙМОҚДА, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚАТОР ФАРМОН ҲАМДА ҚАРОРЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Хусусан, Юртбошимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтиришга, молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини текширишни тубдан қисқартиришга қаратилганлиги билан эътиборли.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳудудий комиссияси қошидаги жамоатчилик кенгаши туманда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти, тегишли органлар ходимларини жалб қилган ҳолда жорий йил учун белгиланган чора-тадбирларни изчил бажармоқда.

— Кейинги йилларда, —дейди Шайхонтоҳур туман жамоатчилик кенгаши раиси Ҳасан Мадалиев, — тадбиркорларимизнинг малакаларини ошириш, уларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларини кенгайтиришга эътибор янада кучайтирилди: ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, тадбиркорлар ўтказилиб, мутасадди ташкилотларнинг етук мутахассислари билан учрашувлар уюштирилмоқда. Қувонарлиси тадбиркорлар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида гапириб, уларнинг ечимини бамаслаҳат қидириш йўлларини ўйлашмоқда. Жорий йил бошидан айниқса, бу каби тадбирларда тадбиркорлик субъектларининг фаол иштироки таъминланди. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, Меҳнат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш бўйича Қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шаҳар иқтисодиётида хусусий секторнинг салмоғи ва аҳамиятини тубдан ошириш, шунингдек, бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида 2007-2010 йиллардаги истиқболли кўрсаткичлар бўйича Дастур ишлаб чиқишган. Унда кичик бизнесни ривожлантиришга оид комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Жамоатчилик кенгашининг иш режаси ҳамда Назорат қилувчи орган томонидан тасдиқланган чора-тадбирларга асосан, кенгаш аъзолари томонидан туманда қўйилган 22 дона «Ишонч қутилари» доимий назорат қилиб борилмоқда. Ушбу чоракда туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун уч марта семинар-йиғилишлар ўтказилди. Ечимини туман жамоатчилик кенгашида топа олмаган мурожаатлар Тошкент шаҳар жамоатчилик кенгашига юборилиб, масалаларнинг ижобий ҳал этилиши таъминланаётгани тадбиркорларнинг ишончини оширмоқда. Ишбилармонлар учун яратилаётган соғлом муҳит, ҳуқуқий ҳимоя кўзланган ойдин манзилларимизга олиб бориши аниқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

«ELEKTROMOTORS AZIYA» КОМПАНИЯСИ ЖАҲОННИНГ НУФУЗЛИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН «СИФАТ УЧУН» ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБИ БЎЛДИ.

«ELEKTROMOTORS» ХАЛҚАРО МУКОФОТ ЭГАСИ

У дунёнинг 43 та мамлакатидаги юзлаб улкан корхона ва компаниялар орасида мукофотга лойиқ топилган 65 та компанияларнинг бирига айланди. «Сифат учун» — «Янги минг йиллик мукофоти» деб ном олган бу нуфузли мукофот доимо ўз маҳсулотининг сифати ва кўламини ошириб борган, савдо тизимини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган компанияларга топширилади. Мукофотга талабгор корхоналар 112 та давлатнинг етти минг нафардан иборат мутахассислари томонидан сараланади. Шу боис, йилига бир бор бериладиган ушбу мукофотга бир мамлакатдан ягона компания эриша олади.

«ELEKTROMOTORS AZIYA» компанияси «Русэлпром»нинг Ўзбекистондаги Савдо уйи қошида ташкил этилганди. У электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқадиган қатор жорижий корхоналарининг расмий диллери ҳисобланади. Булар қаторида жаҳон бозорида эътироф этиладиган Россиянинг «Русэлпром», «Манатомь», «Гидромашсервис» ва Исроилнинг «SOLKON Industries Ltd» компаниялари ҳам бор.

— Компания фаолияти давомида электротехника бозоридаги талабни мукаммал ўрганди ва бу унинг юқоридаги мукофотга эришишига замин яратди,—дейди «Русэлпром» Савдо уйининг раҳбари Ш.Набиев.—Таъкидлаш лозимки, электротехника маҳсулотларига бўлган йиллик талабнинг қарийб эллик фоизи ушбу компания етказиб берган товарлар билан қопланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, «Янги минг йиллик мукофоти» деб номланган ушбу номинацияга 1973 йида асос солинган. Ўзбекистон компаниялари орасида илк бор бундай нуфузли эътиборга — 1992 йилда «Совпластитал» компанияси сазовор бўлганди. Навоий ва Олмалиқ тўғметаллургия комбинатлари ҳам ушбу мукофотга сазовор бўлган.

«Туркистон-пресс»

Сўранг, жавоб берамиз

— Мен кексайиб қолдим. Ўзимга тегишли бўлган мол-мулкларим бор. Келгусида вафот этганимдан кейин фарзандларим ўртасида мол-мулк масаласида низо келиб чиқмаслиги учун уларни васият қилиб қолдирмоқчиман. Ушбу истагимни қай тартибда расмийлаштиришим мумкин? Мол-мулкимни меросхўрларимдан бошқа шахсларга ҳам васият қилишим мумкинми?

—Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига кўра сиз ўзингизга тегишли бўлган мол-мулкингизни вафотингиздан кейин тасарруф этиш масаласида ўз хоҳишингизга кўра васият қилишингиз мумкин ва бу ҳақдаги ҳужжат васиятнома деб аталади. Сиз ўз мол-мулкингизни ўзингиз хоҳлаган шахсга, яъни меросхўрларингиз ёки меросхўр бўлмаган кишиларга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилишингиз мумкин. Васиятнома ёзма равишда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши керак. Ана шундагина у ҳуқуқий кучга эга бўлади.

—Квартиранинг хусусийлаштирилишига розилик берган ўғлим ҳозир чет элда хизмат сафарида, мен эса ушбу квартирани сотмоқчиман. Нотариал идорада олди-сотди шартномасини амалга ошириш учун унинг розилиги зарурми? Агар зарур бўлса, розилигини қандай олишим мумкин, яъни розилиги қай тартибда расмийлаштирилади?

—Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддаси талабига асосан хусусийлаштирилган квартирани ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ёки ҳадя қилиш, ижарага бериш учун албатта квартира ёки уй мулкдорларининг вояга етган аъзолари билан бир қаторда хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг ҳам розилиги олиниши керак. Шунинг учун хизмат сафарида бўлган ўғлингизнинг ҳам квартиранинг сотилишига розилиги талаб қилинади. Ўғлингиз ўзи турган давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг ваколатхонаси (элчихонаси ёки консуллик муассасаси)га мурожаат қилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонунининг 28-моддасига кўра ўғлингизнинг розилик аризасидаги имзосининг ҳақиқийлиги консул ёки консул вазифасини бажарувчи шахс томонидан шаҳодатланиши мумкин.

—Ўзимга тегишли бўлган автомашинамни бошқа шахсга ижарага беришим мумкинми? Агар мумкин бўлса, буни қонуний равишда қандай амалга ошириш мумкин?

—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига асосан сизнинг хусусий мулкингиз дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Сиз ўзингизга тегишли бўлган мулкингизга ўз ихтиёрингизга кўра эгалик қилишингиз, ундан фойдаланишингиз ва уни тасарруф этишингиз мумкин. Шунга кўра сиз ўзингизга тегишли автотранспорт воситасини ижарага беришингиз мумкин. Ижарага олувчи билан сизнинг ўртангизда ижара шартномаси тузилиши ва у нотариал тартибида тасдиқланиши керак.

Лекин сиз автомашинангизни тижорат мақсадида йўловчилар ташиш учун жисмоний шахсларга ижарага беролмайсиз, чунки амалдаги қонунчиликка кўра тижорат мақсадида йўловчилар ташиш фаолиятини фақат юридик шахсларгина амалга ошириши мумкин.

—Бошқа шахс томонидан менинг номимга автомашинани сотиш ҳуқуқи билан бошқаришга ишончнома берилган. Мен мазкур автомашинанинг эгаси ҳисобланаманми?

—Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134-моддасига кўра ишончнома бўйича сиз мазкур ишончномада берилган ваколатлар доирасида иш олиб боришингиз мумкин. Жумладан автотранспорт воситасини бошқаришингиз, унинг техник ҳолатидан хабардор бўлишингиз ва уни сотишингиз мумкин. Лекин мазкур автотранспорт воситасининг мулкдори (эгаси) бўлиб ҳисобланмайсиз. Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси кимнинг номига берилган бўлса, ўша шахсгина унинг мулкдори (эгаси) бўлиб ҳисобланади.

Юлдузхон ЭРМАТОВА,
Шайхонтоҳур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРНИ ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА БИР ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИЛГАН.

Хусусан, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ҳам аълочи, жамоатчи , иқтидорли ва истеъдодли талабалар рағбатлантириб келинмоқда. Яъни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши 5 пленумининг 1998 йил 25 ноябрдаги 17- қарорига асосан пойтахт ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиётган талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш учун 1998-1999 ўқув йилидан эътиборан 10 та стипендия таъсис этилган. Кенгаш стипендияси талаба ва ўқувчилар учун ойига ўқув юрти томонидан белгиланган стипендиядан 50 фоиз ортиқ миқдорда белгиланган. Кенгаш раёсати 2003 йил 21-майдаги қарорига мувофиқ ўзгартириш киритилиб янги таълим тизимига ўтиш даври 2003-2004 ўқув йилидан эътиборан 5 нафар олий ўқув юрти талабаларига стипендия берилмоқда.

Куни кеча ушбу анъанага мувофиқ Кенгашда тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг 2007 йил 16 мартдаги қарорига мувофиқ олий ўқув юртида ўқиётган 5 нафар талабага қўшимча стипендия олиши ҳақидаги гувоҳнома, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи талабаларидан беш нафарига, «Ёшлар йили » муносабати билан яна беш нафар, жами 10 нафар талабаёшларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов талаба ёшларни табриклар экан келгусида уларнинг бунданда ортиқ ютуқларга эришишларига тилак билдирди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши стипендианти» соҳиби бўлган талабалар сони ҳозирга қадар 100 нафардан зиёдни ташкил этди. Ёшларнинг камолотига эътибор қаратиш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлиб , айниқса Ёшлар йилида аълочи ва жамоатчи талабаларга «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши стипендианти» гувоҳномасининг тантанали тарзда топширилиши ўзига хос рамзий маъно касб этиб, уларни янада руҳлантираги деб ўйлаймиз.

Ушбу эътибордан руҳланган Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали 1- курс талабаси Виктория Последова, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси 3-курс талабаси Носир Эшбеков ва Сергели Ишлаб чиқариш касб-ҳунар коллежи 2-курс талабаси Максим Зуевлар билдирилган юксак ишончни оқлаб, мустаҳкам билимга эга бўлиб , юрт истиқболи йўлида меҳнат қилишларини билдирдилар.

Шаҳризода МАҲМУДОВА

Ўқув масканларида

КОЛЛЕЖДА ЯНГИ АНЪАНА

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА 2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ СЎНГГИ КУНИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН ЯКУНЛАНДИ. АЙНАН 1-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ, ЮТУҚЛАР САРҲИСОБ ЭТИЛДИ.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар орасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилгани барчага маълум. Ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда тадбирда 30 дан ортиқ ўқувчи-ёшларнинг аъло ўқиши ва намунали ҳулқи эътиборга олингани ҳолда уларнинг ота-оналарига коллеж раҳбари Абдурасул Зокиров томонидан ташаккурномалар топширилди.

Тадбирда ота-оналар ҳам сўзга чиқишиб, ёшларнинг таълим-тарбиясига қўшган муносиб ҳиссалари учун ўқитувчиларга ўз дил сўзларини изҳор этишди. Жумладан, БУХ-11-гуруҳи ўқувчиси Зиёда Ўринбоеванинг онаси Гулнора Исмоилова 1-курсни муваффақиятли тугатган барча ўқувчиларни табриклар экан коллеждаги устоз ва мураббийларга миннатдорчилигини билдирди. Ушбу коллежда иккинчи фарзанди таҳсил олаётгани ва бундан фақат хурсандлигини айтар экан, келажакда ўқувчиларнинг энг яхши мутахассислар бўлиб етишишларига ишонч билдиришини таъкидлади.

Тантана давомида коллежнинг ҳаваскор кулги усталари, иқтидорли овоз соҳиблари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар, саҳна кўринишлари бутун ёзги таътил давомида ҳамманинг ёдида қолиши шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Козим Ўлмасов олган суратлар

ҲАМ МАДАНИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ ҲОРДИҚ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ХОДИМЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ МАЪРИФАТ ДАРСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маълумки, мазкур соҳа ходимларидан юксак малака ва билим, касб маҳорати талаб этилади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ИИББда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим ўз дунёвий билими ва касб маҳоратини ошириб бормоқда. Бунда ҳар ҳафта ўтказилаётган Маърифат дарсининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу дарсларда олимлар, маданият ва фан арбоблари, соҳанинг етук мутахассисларининг иштирок этиши ҳам катта аҳамиятга молик.

Бундай дарсларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, уларни маънан ҳам жисмонан комил инсон бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган.

Тошкент шаҳар ИИББ шахсий таркибининг навбатдаги Маърифат дарси ҳам жуда қизиқарли ўтди. Тадбир давомида савол-жавоб, баҳс-мунозаралардан сўнг "Қирмизи олма" спектакли намойиш этилиб, ижодкорлар билан учрашув ташкил этилди. Мазкур учрашувдан иштирокчилар ҳам маданий, ҳам маънавий ҳордиқ чиқарди, дейиш мумкин.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

Тадбирлар

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИДА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИНИНГ ЮНУСОБОД ТУМАН БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА ЁШЛАРНИ ЮКСАК МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР ВА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ ЕТУК ФУҚАРОЛАР ЭТИБ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН «ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ» МАВЗУИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар Адлия бошқармаси, туман ички ишлар бошқармаси ходимлари институт етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба- ёшлар иштирок этишди.

—Йилимизнинг Ёшлар йили деб номланиши ва «Ёшлар йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши,— деди учрашувда сўз олган Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош мутахассиси Аброр Бердиев, —униб-ўсиб келаётган ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий томондан давлат томонидан ҳимояланганлиги, таълим- тарбия ва билим олишлари учун барча шарт- шароитлар яратилганлиги мамлакатимизда ёшлар камолотини таъминлаш йўлида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётганининг яққол ифодасидир. Айрим ёшларимизнинг билиб-билмай диний- экстремизм ёки бошқа ноқонуний йўлларга адашиб кириб қолаётганлари ғоятда ачинарлидир. Бунга сабаб баъзи ўсмир-ёшларнинг ўз мустақил фикрига эга эмаслиги, ҳақ- ҳуқуқларини билмасликлари, иродаларининг бўшлигидандир. Шундай экан эртамиз давомчилари бўлган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бурч ва мажбуриятларини тушунтириш, шу юртга муносиб фарзанд бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш учун биргаликда иш олиб бориш лозим.

—Учрашувни ташкил этишдан ҳам мустақил ва соғлом фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш каби хайрли мақсадлар кўзда тутилган,— дейди Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими раиси Нигора Абдурахимова.

Ҳар томонлама фойдали, фикр-мулоҳазаларга бой бўлган ушбу учрашув барчада яхши таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОНЛИК УЧ НАФАР ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ ЯПОНИЯНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯПОНИЯ ФОНДИ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН КУНЧИҚАР МАМЛАКАТГА БОРАДИ.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсияси ва Япония элчихонасининг танлови натижасида танлаб олинган ўқитувчилар Японияннинг таълим тизими, ўқитиш методлари билан яқиндан танишишади. Ўқиш даврида улар япон оилаларида яшаб, мактаблардаги дарс жараёнларида бевосита иштирок этишади. Бу уларнинг япон халқининг урф-одатлари, анъаналари ва ўзига хос маданиятидан хабардорлигини янада оширади.

Мазкур лойиҳа доирасида жорий йилда ўзбекистонлик 90 га яқин ўқитувчилар 28 дан ортиқ давлатларда малака ошириши режалаштирилган. Лойиҳанинг олдинги босқичида ўзбекистонлик мактаб ўқитувчилари Японияда бўлиб қайтишганди. Таълим тизимидаги бундай ҳамкорлик соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш баробарида халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлигига ҳам асос бўлади.

«Туркистон-пресс»

Өз-өз ўзгариб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ

ҲИКМАТЛАР

Мантиқсиз афсона тутмиш оламни,
Фаҳм эту ўйлама ҳеч кўпу камни.
Лаънат тавқин илиб шайтон бўйнига,
Негадир жаннатдан қувмиш одамни.

* * *

Ҳеч ким назар ташламас ўзининг аҳволига,
Булбул бўлди гулдан маст, гулга ҳаволаш одат.

* * *

Бахмал тўшак на ҳожат келмаса уйқу.

* * *

Ҳар нарсада онгла асосу нисбат,
Сўнгра фаҳм эт надур маънию сурат.
Одам хўкиз эмиш, балиққа минган,
Балиқ ҳаводамиш... Қани ҳақиқат?!

* * *

Бу харобазорда истасанг роҳат,
Дўстга қўшилиб, топ дилга ҳаловат.
Токи бир-биридан киприклар жудо,
Уйқусиз кўзларда изтироб, заҳмат.

* * *

Беш кунлик умринг бу нотинч оламдан –
Тинч ўтар сен ўзинг қилган малҳамдан.
Мазҳабу миллатдан излагил одоб,
Яхши хулқ излагил ҳар илму фандан.

* * *

Олам – хароб зимистон, бу зулматда ҳар одам,
Шуури шуъласида куяди мисоли шам.
Беш кундан сўнг талъати сафо нурин сочолмас,
Тундаги йилтироқ қурт бундайларнинг бари ҳам.

* * *

Ҳар кўнгилда бордир умр талоши,
Кўнгилдан ишорат томчи кўз ёши.
Кўкламда илдизсиз ўсмас бир дон,
Бил, яранинг ҳам бор илдизи – боши.

* * *

Мол-дунё ташвишига тўлиқ бу чўл – оламдир,
Бу ташвишлардан озод – шод яшаган одамдир.
Кўнгилга тугун солмай ўтмас ҳеч бир маърака,
Этикнинг торлигидан оёқ қадақ, кўз намдир.

* * *

Барча истаганингни берса гар такво,
Қуруқ ток баргидан қайнарди саҳбо.
Бўш хаёлдан ўтса киши рўзғори,
Қарға тухумидан чиқарди анқо.

* * *

Ашё – назаримиз олғувчи кўзгу,
Асмо зикри эртак тингламоқдир бу.
Барчаси инсондир қочирар узоқ,
Асли инсон бўлмоқ ўзин билмоқ-ку.

2008 — Ёшлар йили

МАҚСАДИ — АКАСИДЕК ЧЕМПИОН БЎЛИШ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЁШЛАРИМИЗГА ҚАРАТА "...МЕНИНГ СИЗЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ДАЪВАТИМ: МАРРАНИ ДОИМО БАЛАНД ОЛИБ ЯШАНГ, ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ. СИЗДЕК ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗНИКИ!" ДЕГАН ПУРМАЪНО СЎЗЛАРИ САМБО БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИРГА КЕЛГАН ҲУМОЮНБЕКНИ ҲАМ МУСОБАҚАЛАРНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ЎТКАЗИБ, АЛБАТТА ШОҲСУПАНИНГ ЮҚОРИ ПОҒОНАСИДАН ЎРИН ЭГАЛЛАШГА ИЛҲОМЛАНТИРДИ...



Ҳа, жорий йилнинг май ойида Тошкент вилоятининг металлурглар шаҳри — Бекободдаги "Алпомиш" спорт мажмуасида ўтказилган навбатдаги Халқаро мусобақага Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташқари қўшни давлатлардан ҳам спортнинг самбо тури бўйича ўсмирлар тўпланишган эди. Мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси дилига албатта ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишни жо қилган эди. Айниқса, Ҳумоюнбек Эргашбековнинг мақсади ўзгача эди. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди-да! Чунки яқиндагина акаси — Бобирбек худди шундай нуфузли мусобақада — республика биринчилигида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлган, эндиликда Ҳумоюнбек ҳам акаси эришган натижаларни қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Маълумки, ҳар қандай киши бирор мақсадга эришишга аҳд қилса, албатта муродига етади. Ҳумоюнбек ҳам орзусига етишиш учун финалга чиққунга қадар Халқаро турнирга келган сирдарёлик, бухоролик ҳамда мусобақа мезбони — бекободлик тенгдошлари қурагини ерга теккизди. Финалдаги жанг бор-йўғи етти сонияни ташкил этди. Учрашув ҳаками Ҳумоюнбекнинг ҳамшаҳри Темур Бекитиев устидан соф ғалабага эришганлигининг ишорасини қилиб, унинг қўлини юқорига кўтарди. Шогирдининг бундай ажойиб зафаридан устози — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг самбо бўлими бош мураббийи — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Равшан Аҳмаджоновнинг шу дамдаги қувонганини бир кўрсангиз эди.

Равшан Раҳматовичнинг Ҳумоюнбек каби эпчил ва чаққон шогирдлари жуда бисёр. Бундан етти йил муқаддам — ҳали саккиз ёшга тўлмаган Ҳумоюнбекни отаси, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида самбо бўйича спорт устаси сифатида кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашиб, бир неча бор ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Ботирбек Маъдалиев пойтахтимиздаги "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятига олиб келиб, уни таниқли мураббий Равшан Аҳмаджонов қўлига топширган эди. Жамиятда спортнинг бир қатор турлари каби самбо усуллари ҳам ўргатиларди. Ҳумоюнбек акаси — Бобирбек билан ёнма-ён устозлари ўргатаётган самбо усулларини қунт билан ўзлаштиришга киришди.

Устоз мураббийлигида самбо сирларини ўрганиш бўйича олиб борилган тинимсиз машқлар, ўз натижаларини кўрсата бошлади. Ҳумоюнбекнинг илк бор иштирок этган мусобақаси омадли бўлди. 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган беллашувда биринчи ўрин унга насиб этди.

Спортчи асло эришган натижаси билан кифояланиб қолмаслиги, доимо маҳоратини ошириб бориши керак. Шундагина у юксак марраларга эришаверади. Ҳумоюнбек ҳам устози Равшан Аҳмаджонов раҳбарлигида тинимсиз машқлар қилиб, унинг ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратини, имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилди. Мана, кўрибсизки, унинг спортда эришаётган бири-биридан қувончли ғалабаларидан устози ҳам, тенгдош дўстлари ҳам, ота-онаси ҳам мамнун бўлмоқда.

Эндигина 15 ёшни қаршилаш арафасида турган, айни шу кезларда пойтахтимиздаги 24-мактабнинг тўққизинчи синфини битираётган Ҳумоюнбек Эргашбековнинг келажак орзулари бир олам.

— Мақсадим устозимга ўхшаб таниқли бўлиш, отамга ўхшаб самбо бўйича спорт устаси унвонига эришиш, акамга ўхшаб Ўзбекистон чемпиони бўлиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб тарзда ҳимоя қилишдир, — дейди Ҳумоюнбек Эргашбеков. — Бу орзуларимга эришиш учун ўз устимда тинмай ишлайман, шу пайтгача эришган ютуқларимни мустаҳкамлаб, олтин медалларим сонини оширишда давом этаман.

Ҳа, дарҳақиқат, шу пайтгача Ҳумоюнбек қўлга киритган олтин медаллари сони олтитадан ошибди, кумуш ва бронза медаллари ҳам талайгина.

— Ўғлимнинг Халқаро мусобақаларда қўлга киритган олтин медалларини, турли даражали Дипломларини кўрганимда ўзимда йўқ хурсанд бўламан, — дейди Ҳумоюнбекнинг онаси Дурдона Маъдалиева. — Ана шундай Истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган муҳтарам Президентимизга ҳамма оналар номидан чексиз ташаккурлар билдиргим келади. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида олиб бораётган оқилона ва доно сиёсати биз, оналарни айниқса, мамнун этмоқда. Шундай экан, ҳаммамиз ана шу ғамхўрликка муносиб бўлмоғимиз, фарзандларимизни эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга бутун эътиборимизни қаратишимиз даркор.

Умидли ва иқтидорли самбочи Ҳумоюнбек Эргашбеков ҳали жуда ёш. Аммо унинг спортда эришаётган натижаларига тенгдошлари, у ўқиган 24-мактаб ўқувчилари, истиқомат қиладиган пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Гузарбоши" маҳалласи ўсмирлари ҳавас билан қарашади.

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган қатор Халқаро турнирларда, Ўзбекистон ва Тошкент шаҳри биринчиликларида яхши натижаларга эришиб келаётган Ҳумоюнбек Эргашбеков 2008 — Ёшлар йилида айниқса, ўзгача кайфият, ғалабага тўла ишонч ҳолида гиламга тушмоқда. Ҳумоюнбекнинг мақсади ва нияти спортда янада юксак марраларни забт этиш, юртимиз шарафини халқаро майдонларда ҳам муносиб ҳимоя қилишдир. Биз ҳам унга ойдин орзуларининг ушалишига, юртимизга медаллар шодасини тақиб, ёруғ юз билан келишига чин дилдан тилакдошмиз.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Спорт янгиликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

РОССИЯНИНГ КУБАНЬ ШАҲРИДА КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА РОССИЯ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ УЮШТИРИЛДИ.

Украина, Арманистон, Россиянинг номдор спортчилари билан медаллар учун кураш олиб борган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг кўпчилиги совриндор бўлиб юртимизга ёруғ юз билан қайтишди. 600 нафар спортчи иштирок этган ушбу турнирда ҳамюртларимиздан Ойбек Олимжонов, Шокиржон Ўлмасов, Абдуҳабиб Мелиев, Темур Акромов, Беҳзод Курбонов, Шохруҳ Солиҳжонов, Жамшид Нуриддинов, Мирғулом Холиқов ва Ғафур Абдуллаевларга кикбоксингнинг турли йўналишлари бўйича совриндор бўлиш насиб этди.

«ПАХТАКОР» — НИМЧОРАК ФИНАЛДА

ТОШКЕНТДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ НИМЧОРАК ФИНАЛИНИНГ «ПАХТАКОР» ВА «НАВБАҲОР» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ТАКРОРИЙ УЧРАШУВИ УЮШТИРИЛДИ.

Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг Наманганда ўтказилган биринчи учрашувида мезбонларни 1:2 ҳисобида мағлуб эта олган Равшан Ҳайдаров шогирдларига ўз майдонларида яна омад кулиб боқди. 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунлик қилган пахтакорчилар меҳмонлар дарвозасига бешта жавобсиз гол йўллашди. Мухлисларга қувончли лаҳзаларни ҳадя этган тўпларни рақиблар дарвозасига Гейнрих (3та), Тожиев ва Абдуллаевлар киритишди.

ҒАЙРАТ— ТУРНИР ҒОЛИБИ

ИЮЛЬ ОЙИДА ОТ СПОРТИ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ БЎЙИЧА УЧИНЧИ БОСҚИЧ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Куни кеча пойтахтимизда от спорти бўйича Жаҳон Кубогининг Марказий Осиё минтақаси бўйича иккинчи босқич мусобақалари уюштирилди. Аҳамиятлиси, Марказий Осиёнинг энг маҳоратли чавандозлари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртимиз Ғайрат Бозоров ўз тулпорида биринчи ўринни эгаллади.

(Ўз мухбиримиз)

«01»

«ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, СОДИР БЎЛАЁТГАН ЁНҒИНЛАР ОҚИБАТИДА БОЛАЛАР ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ ТАН ЖАРОҲАТИ ОЛМОҚДАЛАР. МАНА ШУНДАЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН МУХАНДИС-НАЗОРАТЧИЛАР ТОМОНИДАН БИР ҚАНЧА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Мутахассисларнинг фикрича, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ёш болаларга қанча эрта ўргатишни бошласак, бинобарин боғча ва мактабдан бошлаб турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга шунчалик кўп ҳисса қўшган бўламиз.

Ёшлик йилларида болаларга берилган билим, ўргатилган ҳар қандай кўникмалар узоқ йилларгача уларнинг ёдидан чиқмайди. Яккасарой туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари буни яхши билганликлари боис тез-тез мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида бўлишиб, кичкинтойларга бир қарашда оддий, аммо ҳаёт учун муҳим бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиб боришмоқда.

Ўқувчиларга назарий билим бериш билан бирга амалий машғулотларнинг ўтказилиб борилиши ва улар турли кўргазмали қуроллар ёрдамида ташкил этилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўқувчиларга ёнғин ўчириш машиналари, ёнғин ўчирувчиларининг махсус кийимлари ҳақида ҳам тушунтиришмоқда. Бундай учрашувларни ўтказишдан кўзланган мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни касбга қизиқтириш ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича тушунчалар беришдан иборатдир.

Алимардон УСМОНДИЁРОВ,
Яккасарой ТИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Мунажжим башорати

26 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Бугунги куннинг самовий қудрати инсонларда тажовузкорлик, зўравонлик, бузғунчилик кайфиятларини қўзғатади – мунажжимларимиз кунни шундай тавсифлашган. Бу қудрат пасткаш инстинктлар, фитнакорликка мойилликни кучайтиради. Ўз хонадонингизни поклаш, нокерак нарсалардан халос бўлиш, ҳовлиларга сув сепиш, хоналарга исириқ тутатиб чиқиш тавсия қилинади.

Бугун жисмоний фаоллик, рақслар, санъат сирларини ўрганиш, ўқиш, қурилиш ишлари ҳайрли бўлади. Шу кунлари ўзаро муомалаларда мулозамат, тавозе ва эътиборлилик ҳамда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Кўп кишилик йиғинларда бўлиб, ўзингизни бамайлихотир тутишингиз билан одамларнинг диққат марказида бўлишингиз мумкин.

Бугун айниқса кекса ва заиф кишиларнинг саломатликлари ёмонлашиши эҳтимоли бор. Гомеопатик дориларни қабул қилиш, биоэнергетика ва гиёҳлар билан даволаниш яхши самара беради. Тишларни даволатиш ва сунъий тишлар қўйдириш, косметик операциялар тавсия этилмайди.Ўт пуфагини тозаловчи мўътадил муолажаларни бошлаш мумкин.

Тушларингиз оилавий дилхираликларга нималар сабаб бўлиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Шунингдек, улар яқин келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳаётингиздаги жиддий ўзгаришлардан дарак беради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2008 йил 23 июнда Жовлиев Хайрулла Чоршанбиевич номига берилган рўйхат рақами 4317 бўлган, В 292137 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2008 йил 24 июндаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати:

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарори санаси ва рақами		ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1	TRANS LAZ OIL	МЧЖ	206784068	27.11.06	001942-03	21470402	10-0820/7430	24.06.08
2	LYUKSEMBURG INVEST	МЧЖ	206206437	14.03.06	001399-03	20662996	10-0820/7431	24.06.08
3	TAB-MARKET-BIZNES	ХК	205221318	13.09.04	000516-03	19780259	10-0820/7432	24.06.08
4	SUVON BELLE SERVES	ХК	300644772	14.12.07	002929-03	22217473	10-0820/7433	24.06.08
5	TEMIRYOLCHI-SERVIS	МЧЖ	204719733	11.11.03	000047-03	19285086	10-0820/7434	24.06.08
6	FORT-STROY-SERVIS	ХК	205992862	24.01.06	001313-03	20537185	10-0820/7435	24.06.08

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлигининг махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Учтепа тумани Тўқимачи кўчаси, 24-уйда истиқомат қилувчи Юнусов Баҳодир Захидович номига 2008 йил 13 мартда берилган № 1059 рақамли Ер кадастри маълумотномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш мажмуаси котибияти мудири Зикрилла Исматович Асатовга отаси, хизмат кўрсатган тиббиёт ходими **Исмат Асатович АСАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3246 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13:35